Ушбу сонда:

2 *Фармон ва ижро* **ЕР ҲАҚИҚИЙ ЭГАСИНИ ТОПСИН**

3 **ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР**

4 *Шу куннинг гапи* **ОДАМИЙЛИК**

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 4 январь, чоршанба № 2 (2051)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига янги, 2006 йил кириб келиши муносабати билан қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан жаҳонда тинчлик ва осойишталик, Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва омонлик тилаб, эзгу истаклар изҳор этилган самимий қутловлар ҳамон келиб турибди.

Қуйидагилар самимий тилаклар битилган табрикномаларини йўллашган:

Исландия Президенти Олавур Рагнар Гримссон ва унинг рафиқаси Дорит Моусалинг;

Норвегия Қироли Харальд V;

Польша Республикаси Президенти Александер Квасьневски;

Бразилия Федератив Республикаси Президенти Луис Инасио Лула да Сильва ва унинг рафиқаси Мариса Летисиа Лула да Сильва;

Украина Президенти Виктор Ющенко;

Литва Республикаси Президенти Валдас Адамкус ва унинг рафиқаси Алма Адамкус;

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев;

Москва ва Бутун Русь Патриархи Алексий II;

Бошқирдистон Республикаси Президенти Муртазо Раҳимов;

Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Михаил Фрадков;

Туркия Республикаси Бош вазири Режеп Таййип Эрдоған.

Табрикномалар келиши давом этмоқда.

КИКБОКСИНГ МУСОБАҚАСИ

Пойтахтда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида кикбоксинг бўйича мусобақа ўтказилди.

Мазкур мусобақада Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган жамоалар иштирок этишди. Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, Тошкент шаҳар прокуратураси ва Ўзбекистон Республикаси кикбоксинг федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган беллашувларда юздан ортиқ ёш спортчи ўзаро куч синашди. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшлар онгига ватанга садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат каби ғояларни сингдириш ҳамда давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликни амалда намойиш этишдир. Қизиқарли ва байрамона тарзда ўтган мусобақанинг финал баҳсларида Тошкент, Наманган ва Фарғона вилоятларининг меҳрибонлик уйлари спортчилари ғолиблик шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилди.

саксон фоизи экспорт учун мўлжалланган.

Суратларда: бичув цехи бошлиғи Дилфуза Олимжонова ва ишчи Ирода Ражабова; тикувчи Нигора Ҳусайнова;

Б.АЛЛАШЕВ олган суратлар



Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий ўсишида қўшма корхоналар фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда. Тўрткўл туманидаги «Тўрткўлтекс» қўшма корхонаси шулар жумласидандир.

Айни чоғда бу ерда 1500 нафар ишчи меҳнат қиляпти. Улар замонавий дастгоҳларда чиройли, бежирим, сифатли кийим-кечаклар тикишмоқда.

Қўшма корхона йилига 2874 тонна пахта хомашёси ва 833 тонна калава ипдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаради. Маҳсулотнинг

МАКТАБЛАР ЭЪТИБОРДА

- Умуммиллий дастур асосида туманимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, - дейди туман халқ таълими бўлими мудири Солижон Йўлдошев. - Ўтган йилда 25-мактаб капитал реконструкция қилинди, яна бешта мактаб капитал ҳамда жорий таъмирланиб, ўқувчиларга туҳфа этилди. Натижада ушбу таълим масканлари замонавий қиёфа касб этиб, ўқув жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди.

Чанг қишлоғидаги 27-умумтаълим мактаби анча хароб аҳволга тушиб қолганди. Бу мактаб ҳам дастурга киритилиб, шу кунларда капитал реконструкция қилинмоқда. Бу ишни тумандаги 399-қурилиш ташкилоти бунёдкорлари амалга оширмоқда.

(ЎзА)

2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ Фарғона вилоятида янги мактаблар қуриш, мавжуд билим масканларини капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш бўйича қизғин иш олиб борилмоқда. Учқўприк туманида ҳам жорий йилда иккита мактаб капитал реконструкциядан, яна иккитаси капитал, бештаси жорий таъмирдан чиқарилади.

Саноатимиз дарғалари

ҚИЗИЛҚУМ ФАХРИ

Навоий вилоятида мамлакатимиз салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилаётган, бошқача айтганда, белимизни бақувват, қадр-қимматимизни баланд, қўлимизни узун қиладиган, одамларимизнинг фаровон турмушига асос бўладиган кўпдан-кўп табиий бойликларнинг улкан заҳиралари мавжуд. Булардан энг асосийси ўзини юксак сифати билан дунёга машҳур Қизилқум олтинидир.

Бир учи уфққа туташиб кетган ҳудудсиз саҳро бағрида қад кўтарган замонавий иншоотларнинг улкан миноралари олисдан кўзга яққол ташланади. Қуёшли кунларда оёғингиз остидаги қум қатламларида қизғиш тошчалар ялтирайди. Қизилқум заминига олтин зарралари қоришиб кетгандек, гўё.

Азалдан Зарафшондек буюк наҳрни зар сотувчи дарё, деб бежиз айтишмаган. Истиқлол шарофати билан жаҳон андозаларига мос янги корхоналар қурилиб, вилоят мамлакатимизнинг иқтисодий жиҳатдан бақувват, саноатлашган минтақасига айланди.

Саноат дарғаси бўлган Навоий кон-металлургия комбинати яна уч йилдан сўнг фаолияти бошланганининг ярим асрлигини нишонлайди. Юртимиз иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга олтин, уран, руда ва бошқа нодир металлар ишлаб чиқараётган йирик корхона бугунги кунда трикотаж материаллари, озиқ-овқат маҳсулотларини ички ва ташқи бозорга жўнатмоқда.

Эллигинчи йилларнинг охирларида Мурунтов олтин кони топилиб, тоғметаллургия комбинати ва 1965 йилда навқирон Зарафшон шаҳри пойдеворига биринчи ғишт қўйилди. 1969 йил 1 июлда шаҳардаги 2-гидрометаллургия заводига табиий руда келтирилди. Орадан 20 кун ўтгач, биринчи олтин қуймаси ишлаб чиқарилди.

Мазкур комбинатни қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг «1992-1995 йилларда Зарафшон ва Учқудуқ минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда НТМК корхоналари ишларини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан аниқ тадбирлар белгиланди. Ўтган даврда уран, олтин ва турли қимматбаҳо нодир металлар ишлаб чиқариш ҳажми 1,5-2 баравар кўпайди.

1995 йил июнида Учқудуқда олтин ишлаб чиқариш мажмуининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. 1994 йил Лондонда Ўзбекистон маҳсулоти белгиси бўлган Мурунтов олтинига «Энг мукаммал олтин қуймаси» мақоми берилди. 1999 йилда нуфузли Токио биржаси ўзбек олтинига сифат сертификати бериб, уни олтин эталони — яъни бутун дунё бўйича тилло сифатини баҳолашнинг мезони қилиб белгилаб қўйди.

Икки юз мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган олтита замонавий шаҳарнинг гуллаб яшнашига муносиб ҳисса қўшиб келаётган забардаст корхонанинг ер қаърида жойлашган чуқур карьерлари, олтинтопарларга йўл очаётган қудратли экскаваторлари, ҳар бири иккита поезд вагонидек келадиган кўп тоннали юк ташиш машиналари чексиз саҳро кир-адирлари, тоғликларига ўзгача салобат ва сеҳр бағишлайди.

Йигирма биринчи асрнинг чинакам мўъжизаси ҳисобланган корхона қурилиши билан воҳада металлургия, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат, заргарлик буюмлари саноатига асос солинди. Ноёб қурилиш материаллари, маъданли ўғитлар манбаи яратилди.

Авлод-аждодларимиз беқиёс қизиқиш ва ҳайрат билан боққан, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган бепоён саҳронинг қизғиш тупроғи нафақат уран рудаси, балки олтин, кумуш, вольфрам, фосфорит, марганец каби металлар, мармар, ақиқ (оникс), опал, феруза каби қимматбаҳо тошлар, ойна ишлаб чиқаришга асқотадиган кварцли қум, рух, сурма, боскит, коалин, оҳак, глауконит, ғиштбоп лой, минерал пигментларга бой. Табиати мураккаб, бетакрор заминдан қазиб олинаётган Менделеев даврий жадвалидаги элементларнинг тўқсон фоиздан кўпроғи бугунги кунда иқтисодиётни ривожлантириш учун хизмат қилаяпти.

Халқ хўжалигини модернизациялаш, маҳаллий ресурслардан фойдаланиш орқали рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва юқори самарадорликка эришиш дастури изчиллик билан амалга оширилаяпти. Корхона таркибидаги табиий бойликларни қазиш ва қайта ишлашга ихтисослашган 5 та кон-руда бошқармаси тўла қувват билан фаолият кўрсатаяпти.

Янги блоклар ишга тушганлиги, ямаш ва бўлаклаш цехлари реконструкция қилинганлиги соатига 150 тонна рудани қайта ишлаш ва йилига ялпи маҳсулотни 6 миллион тоннага етказиш имкониятини яратди. Машинасозлик заводида ностандарт махсус ускуналар, токарлик станоклари, машина ва механизмлар учун эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, ишлаб чиқариш, ўқув-илмий ҳамда ижтимоий муассасалар учун маҳсулотлар ҳам тайёрланаяпти.

(Давоми 2-бетда)

Маҳалла қадимдан халқимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб келган. Тўй ва маросимлар ҳеч қачон оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатисиз ўтказилмаган. Жумладан, ёшлар тарбиясида, оилани мустаҳкамлаш масалаларида ҳам уларнинг ўрни алоҳида бўлган. Мамлакатимиз мустақиллигидан сўнг маҳаллага нисбатан эътибор янада кучайди, унинг таъсир кучини мустаҳкамлаш чоралари кўрилди. Буни Наманган шаҳридаги Охунбобоев номли маҳалла мисолида ҳам кўриб, ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Маҳалланг — отанг-онанг!

НУРОНИЙЛАР СУЯНГАН ТОҒИМИЗ

– Илгарилари маҳаллаларга, уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрнига етарли эътибор берилмасди, - дейди маҳалла раиси Олимжон Мусабоев. – Шукурларким, истиқлол туфайли маънавиятимизга оид кўпгина йўқотишлар ўз ўрнига тушган. Жумладан, маҳаллаларнинг бошқарув таркиби, ёшлар тарбияси, қадимий анъаналаримизни қарор топтириш борасидаги иштироки ҳам таъминламоқда.

Дарҳақиқат, серқуёш мамлакатимизнинг ҳамма ерида бўлганидек ушбу маҳалланинг ҳам фуқаролар ҳаётидаги ўрни сезиларли аҳамият касб этиб бормоқда. Шуни айтиш кифояки, бирон тўй ва маросим фаоллар иштирокисиз ўтмайди. Уларни тартибли, камчиқим билан ўтказиш комиссиясининг раиси Раҳматжон Абдураҳимовнинг хизмати катта бўляпти. Комиссия аъзолари оиланинг шарт-шароитидан келиб чиқиб иш юритишини таъминламоқдалар.

Айниқса, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни, қаровчисиз ва ёлғиз қарияларни ҳамда ногиронларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. Масалан, «Наврўз» байрами тантанаси кунларида 160 нафар кўмакка муҳтож отахон-онахонлар маҳалла гузарига таклиф этилиб, дастурхон ёзилди ва уларга совға-саломлар топширилди. 9 май Хотира ва қадрлаш куни эса иккинчи жаҳон урушида иштирок этган 8 нафар отахон, 22 нафар фронт ортида меҳнат қилганлар, 8 нафар Афғон уруши қатнашчиси ва икки нафар Чернобил ҳалокати иштирокчиси учун дастурхон тузатилди ҳамда улар учун эсдалик совғалари тақдим этилди.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 14 йиллиги ҳам катта байрам сифатида нишонланди. Шу куни маҳалла оқсоқоллари ва фидокорона меҳнатлари билан эл-юртда обрў қозонганлардан 180 нафари чақирилиб, улар учун тўкин дастурхон ёзилди. Маҳалла ҳудудида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларнинг 30 нафар фарзандига кийим-кечак тарқатилди.

Бу ерда кам харжли оилаларни қўллаб-қувватлаб боришнинг турли шакл ва усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, истиқлол байрами арафасида ана шундай оилаларнинг бекаларидан 30 нафари ва ўндан ортиқ мактаб ўқувчисига турли қишки кийимлар совға қилинди. Маҳалла ҳудудидаги йигирмага яқин ётиб қолган беморлар ҳолидан хабар олинди. Ийд Рамазон ҳайити муносабати билан эса 20 та кам таъминланган оилага озиқ-овқат маҳсулотлари билан биргаликда пул тарқатилди. Бу сингари мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ёшларни ўзбекона одоб-ахлоқ руҳида тарбиялаш борасида ҳам катта ишлар қилинмоқда. Маҳалла ҳудудида жойлашган икки чойхонадан бу борада кенг фойдаланилмоқда. Бу ерда вақти-вақти билан ахлоқ ва одоб мавзуларида кенг тушунтириш ишлари ташкил этилади. Ёшлар кенг жалб қилинаётган суҳбатларда маҳалла оқсоқолларидан Раҳматжон ота Абдураҳмонов ва Жалолиддин ота Абдураҳимовлар билан бир қаторда 10- ва 50-мактаб ўқитувчиларининг хизматлари катта бўлаётир.

Шаҳарнинг Бобур номидаги Маданият ва истироҳат боғидан кун чиқар томонга қараб кетган ва ҳар икки томони қуюқ дарахтлар ва гуллар билан ўралган кўча сизни биз ҳикоя қилган маҳаллага олиб боради. Кўчанинг шинам кўриниш касб этишида ҳам маҳалла аҳлининг хизмати катта.

Ж.ОБИДОВ

«МАРҒИЛОН БАХМАЛИ»НИНГ ДОВРУҒИ

Янги йилни эзгу ниятлар билан кутиб олган Марғилон ахли бугун кўхна ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг қутлуғ тўйига қизғин тараддуд кўрмоқда. Айниқса, бу ишда саноат корхоналари, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ўрни катта. Улар ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш билан иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишяпти. Бу борада «Марғилон бахмали» кичик корхонасининг ҳам ўз улуши бор.

Кичик корхонада бугунги кунда юз нафардан ортиқ хотин-қиз меҳнат қилади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг сифати билан ҳар қандай нозик дидли харидорни ҳам беэътибор қолдирмайди.

- Корхонамиз 2000-йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда, - дейди кичик корхона раҳбари Абдулҳай Ҳалимов. - Ўтган йиллар мобайнида ички бозорда маҳсулотларимиз ўз харидорини топди. Дастлаб битта цех ишлаб турган бўлса, ҳозир уларнинг сони тўрттага етди. Замонавий технологиялар жорий этилгани боис ойига 150-170 минг погон-метр бахмал ишлаб чиқаряпмиз. Даромад ҳам шунга яраша бўлмоқда.

Корхонада янги дастгоҳларни ўрнатиш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш мақсадида 80 миллион сўм ҳажмидаги лойиҳа ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Шу тариқа яна 140 та иш ўрни очиш имконияти яратилади.

(ЎзА)

«Ишонч»га жавоб берадилар

Газетамизнинг ўтган йил 16 ноябр сонида шу сарлавҳали танқидий мақола чоп этилганди.

Якинда ана шу мақолага Пахтаобод туман ҳокимлигидан жавоб хати олдик. Жумладан, унда шундай дейилади:

«РЕЖА БАЖАРИЛДИ, ДАРОМАДНИНГ ЭСА БАРАКАСИ ЙЎҚ»

Танқидий мақола барча ширкат хўжаликлари, халқ таълими тизимидаги мактаб ва муассасалар, тижорат банклар ҳамда тегишли мутасадди ташкилот раҳбарлари иштирокида тўлиқ ўрганилиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Хусусан, Ёқубов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раҳбарларининг ишловчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашнинг муҳим шарти—уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, иш ҳақини ўз вақтида бериш, меҳнат ва маиший шароитларни яхшилаш борасида олиб борган ишларидаги камчиликлар тўла таҳлил этилиб, айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Ушбу нуқсонлар белгиланган муддатда бартараф этилмаган тақдирда маъмурий жавобгарлик чоралари кўриш кўрсатиб ўтилди. Ушбу ширкат хўжалиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги «2006 йилда қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда вилоят ҳокимининг 247-К сонли қарори асосида фермер хўжаликларига айлантирилганлиги муносабати билан юқоридаги камчиликларни-биринчи галда иш ҳақидан бўлган қарздорликни тугатишга алоҳида эътибор беришликни қайта ташкил этиш комиссия зиммасига юклатилди.

Шунингдек, мавжуд 66 та маҳалла фуқаролар йиғинларига аҳолининг фойдаланган коммунал тўловлардан қарздорлигини ўз вақтида ундирилишини таъминлаш мақсадида тумандаги хонадонларнинг 150-200 тасига амалий ёрдам бериш учун ҳокимлик вакиллари бириктирилди ва ишчи гуруҳи ушбу ишларни назорат қилиб бормоқда.

Мақолада, шунингдек, туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида 9 ойлик якунлар бўйича мавжуд тижорат банклари томонидан нақд пул режалари бажарилмаётганлиги ҳақида ҳам алоҳида фикрлар юритилган.

Бунинг сабабларидан бири-тушумнинг асосий манбаи бўлмиш 9 та автомобилларга ёқилғи қуйиш шоҳобчалари октябр-ноябр ойларида айрим сабабларга кўра фаолият кўрсатмади. Эндиликда бу нуқсонларга ҳам барҳам берилди.

Чорвачиликда юзага келган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш учун тугатилаётган ширкат хўжаликларидаги чорва, яъни гўшт, сут, тухум етиштириш ва сотиш бўйича шартномавий режалар ижросини таъминлаш бўйича туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимидаги соҳа билан шуғулланувчи мутахассислар бириктирилиб, уларнинг ишлари назоратга олинди.

Ш.АБДУРАҲМОНОВ, Пахтаобод тумани ҳокими

МУАММО ҲАЛ ЭТИЛДИ, ҲОМИЙЛАР ОТАЛИҚҚА ОЛИШДИ

Тахририятимизга Хоразм вилояти Хива шаҳрида яшовчи фуқаро О. Султонова номидан шароити оғир оилалардан бири бўлганлиги сабабли уй-жой ажратиш ва ногирон фарзандини даволашда дори-дармондан ёрдам беришларини сўраб ёзган шикоят-аризаси тушганди. Масалага аниқлик киритиш мақсадида хат юзасидан текшириш ўтказишни сўраб Хоразм вилоят ҳокимлигига мурожаат этгандик. Якинда ана шу хатга қуйидаги мазмунда жавоб олдик. Жумладан, унда шундай дейилади:

Хоразм вилоят Хива шаҳар «Бинокор» маҳалласида яшовчи Олия Султоновани аризаси юзасидан туман ҳокимлиги мутахассислари томонидан текшириш ўтказилди:

Фуқаро О.Султонова ҳақиқатан ҳам шу кунгача Хива шаҳридаги «Бинокор» маҳалласининг 8-уй 3-хонадонида ижарада яшаб келмоқда. У аризасида тайёр турар-жой ажратиб беришга ёрдамлашишни сўраган. У билан суҳбатлашилганда, шаҳар ёки туман тасарруфида ҳозирча давлат ҳисобидан қурилаётган уй-жойлар йўқлиги, агарда хоҳиши бўлса, бошқа ҳудуддан уй-жой қуриш учун ер майдони ажратиш таклиф қилинди. Унинг розилигига кўра «Гандимён» қишлоғидан ер-участкаси ажратиб бериладиган бўлди.

Шунингдек, у ногирон фарзандини даволатишга бепул дори-дармонлар ажратиб беришга кўмаклашишни сўраган. Мутахассислар билан фикрлашилганда, фарзанди болалар поликлиникасида диспансер ҳисобида туриши аниқланди ва унга зарур дори-дармонлар бундан кейин ҳам доимий равишда ажратилиши қатъий белгиланди.

Д.АЛЛАҚУЛИЕВ, Хива тумани ҳокими

Саноатимиз дарғалари

ҚИЗИЛҚУМ ФАХРИ

(Боши 1-бетда)

Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Агама» қўшма корхонасининг мамлакатимиз шаҳарларида ўнлаб филиаллари ва фирма-дўконлари очилган. Янги тармоқларнинг йўлга қўйилиши аҳолини озиқ-овқат ва халқ истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан, минглаб иш ўринлари яратиш имкониятини вужудга келтирди.

Заргарлик буюмлари заводининг тилло тақинчоқлари довруғи чет элларда ҳам машҳур. Бозор иқтисодиёти тамойилларига тўлиқ мослашган корхона Россия, Украина, Қозоғистондаги ҳамкорлари билан «Атомредмедзолото» халқаро концернининг таъсисчиси ҳамдир. Европа, Америка ва Осиё қитъасидаги ривожланган давлатларнинг «Ньюмонт», «Бридж стоун», «Спектро», «Нукем», «Шелл», «Катерпиллер», «Лонро» каби фирмалари билан яқин алоқа ўрнатилган.

Бундан ўн йил муқаддам «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси ташкил этилиб, иккиламчи хом ашёдан олтин олишга киришилган эди. Эндиликда Бессопандаги тоғ тупроқ уюмлари қайта ишланиб, қўшимча хом ашё олинаяпти. Лойиҳа қиймати 228 миллион долларлик қўшма корхонага дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатлари ўз улушини қўшган. Келгусида лак-бўёқ маҳсулотлари, қурилиш материаллари, зарур рўзғор ашёлари тайёрлаш корхоналари ҳам қурилади.

Шимолий кон бошқармаси ҳузурида иш бошлаган «Пром-Электро» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси комбинат тизимидаги завод ва ташкилотларнинг турли кучланишдаги трансформатор, двигатель, генератор ва бошқа электр жиҳозларини қисқа муддатда таъмирлаб, мижозларга етказиб бераяпти.

Қўшма корхонада тўртта цех бўлиб, кўплаб малакали ишчилар меҳнат қилишмоқда. Эҳтиёт қисмлар Россиянинг «Псков кабел» акциoнерлик жамиятидан олиб келинади. Бу ерда ҳар ойда 25-30 миллион сўмлик буюртма бажарилаяпти. Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарларида ҳам қўшма корхонанинг филиаллари ишга тушди. Бу ерда кондиционер, электр қизитгич каби уй жиҳозлари қайта таъмирланаяпти. Ҳозирги кунда заводни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш юмушларига киришилган. Кейинги йилларда бундай мақсадлар учун жуда катта миқдорда маблағ сарфланди. Шартномалар асосида қўшни давлатлардан қудратли техникалар келтирилди. Мурунтов олтин карьерида 26 кубометр тупроқни сиғдирадиган экскаваторлар, 140 тонна юк кўтарадиган «Катерпиллар» ва 180 тонналик «Юклиди» юк машиналари ишлатилаяпти. Бу ерда ҳар бир жараён компьютерлар орқали бошқарилади. Юқори малакали мутахассислар ўзларига топширилган юмушни синчковлик ва ҳушёрлик билан уддалашаяпти.

Комбинат қудратли ва салоҳиятли ижтимоий инфратузилма яратган. Учқудуқ, Зарафшон, Нуробод, вилоят маркази Навоий шаҳарларида кўплаб турар-жойлар, даволаш-профилактика муассасалари, мактаблар, мактабгача тарбия тармоқлари, касб-ҳунар коллежларини ҳомийликка олган. Ўнлаб болалар спорт мажмуалари, ўйингоҳ ва сузиш бассейнлари, маданият уйлари аҳоли хизматида. Замонавий тиббий жиҳозлар билан безатилган санаторий-профилакторийда ҳар йили мингдан ортиқ киши имтиёзли равишда соғлигини тиклайди.

Фахрийлар доимо эъзозда. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва байналмилалчи жангчиларга комбинатнинг «Паток» агрофирмаси 5 миллион, Марказий руда бошқармаси 7 миллион, «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси 2,5 миллион, қурилиш бошқармаси 2 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатди.

Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қатъий назоратга олинган. Ишчилар, инженер-техник ходимлар махсус ва иш кийимлари, ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланган. Оғир шароитларда ишлаётганларга текин сут ва сут маҳсулотлари, парҳезли овқатлар берилади.

Хуллас, кўҳна Бухорога туташ жазирама Малик чўлида, бепоён Қизилқум кенгликларида қад кўтарган довруғи дунёга кетган кон-металлургия заводининг кўп минг кишилик жамоаси мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида ҳормай-толмай фидокорона меҳнат қилмоқда.

И.ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Ўрта Чирчиқ туман Тез тиббий ёрдам бўлими 165 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатади. Бу ерда беморларга шошилинч тарзда тиббий ёрдам бериш яхши йўлга қўйилган. Бунинг учун барча зарур дори-дармонлар мавжуд. Манзилларга бир зумда етиб бориш учун 8 та автоулов шай ҳолда туради.

Яқинда 34 миллион сўм сарфланиб, бўлим биноси капитал таъмирланди. Даволашда замонавий тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланилаётганлиги ўз самарасини бермоқда. Тиббиётчилар меҳнатидан эл мамнун. Бунда 8 нафар шифокор, 52 нафар ўрта тиббиёт ходими ва 32 нафар кичик ходимнинг кунни тунга улаб хаста инсонлар дардига малҳам топаётгани асосий омил бўлмоқда.

Бўлимнинг Ибн Сино, Охунбобоев ва Ўртасарой шохобчаларида ҳам барча шарт-шароитлар яратилган. Тезкор алоқа воситалари мунтазам ишлаб турибди.

Суратларда: бўлим ходимлари фаолиятидан лавҳалар

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Чимбой педагогика коллежида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти туман бўлимлари ташаббуси билан учрашув ўтказилди.

Унда ёшлар «Мардлар қўриқлайди Ватанни», «Менинг армиям - менинг таянчим» мавзуларидаги суҳбатларда иштирок этиб, мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг моҳияти, бугунги кунда аскарларга яратилган шарт-шароитлар, ҳарбий техника ва қуроллардан фойдаланиш, ҳарбий ҳаётнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида тушунчага эга бўлди.

Фармон ва ижро

ЕР ҲАҚИҚИЙ ЭГАСИНИ ТОПСИН

янги фермер хўжаликларини ташкил этишда қонунийлик, ошкоралик, адолат тамойилларига амал қилиниши қатъий назоратда

Давлатимиз раҳбари халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида иқтисодиётимизнинг аграр тармоғидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга, ризқ-рўзимиз манбаи — ердан самарали фойдаланишга, эртага унинг эгаси ким бўлишига алоҳида эътибор қаратди. Шу боис «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармоннинг бажарилиши Республика Бош прокуратураси ҳамда унинг қуйи бўғинлари томонидан изчил назорат қилинмоқда.

Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш жараёнида «Ер кодекси», «Фермер хўжалиги тўғрисида»-ги Қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари амалиёти ўзини оқламаган ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантиришда тендер танловларининг қонуний, ошкора, ҳаққоний ўтишига эришиш диққат марказида бўлмоқда. Саъи-ҳаракатлар натижасида бугунги кунда иқтисодий инқирозга юз тутган 33 та ширкат хўжалиги тугатилиб, улар негизида 585 та янги фермер хўжалиги тузилди ва улар муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Айни кунларда жойларда танлов комиссиялари ғолибларни аниқлаш, ерни ҳақиқий эгаси қўлига топшириш юмушларини олиб боряпти. Қишлоқ инфратузилмасини белгиловчи гидротехника, мелиорация иншоотлари, техника воситаларини ишлатишда хўжасизликнинг олдини олиш, минерал ўғитлар, ёқилғи мойлаш материаллари, ер ресурсларининг талон-торож қилинишининг олдини олиш, ҳосилдорликни пасайтирмаслик масалалари прокуратура ва тегишли идоралар қатъий назоратида.

Деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қатъият билан ҳимоя қилиняпти. Экин майдонлари тақсимотида маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик кўринишларига муносиб баҳо бериляпти. Мақсад барча ерда тендер танловлари тўғрисидаги Низом талабларига оғушмай амал қилишдир. Ўтган йиллар ичида юқорида қайд этилган Фармонлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар қилинди. Фермер хўжаликларининг ерга, мулкка бўлган қонуний ҳуқуқларини мустаҳкамлаш учун юқори идораларга 5 та тақдимнома, 200 та огоҳнома йўлланди. Кимларнингдир фаолиятига принципиал баҳо берилди.

Ерлардан мақсадсиз фойдаланган, ер қонунчилигини бузган кишиларга нисбатан кескин чоралар кўрилмоқда. Аниқланган қонунбузарликлар тугатилиб, 172 миллион 800 минг сўмлик моддий зарар ихтиёрий равишда қопланди. Судларга бой берилган фойдани ундиришга қаратилган 4 миллиард 731 миллион сўмлик 832 та даъво аризаси киритилди.

— Тендер танловларининг ошкора, жамоатчилик кўз олдида қонуний асосда ўтказилишига оид прокурор текширувларига қатор мисоллар келтириш мумкин, — дейди Андижон вилоят прокуратураси қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси Бахтиёр Отажонов. — Хусусан танловлар пайтидаги уруғ-аймоғчилик, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳужжатларни сохталаштириш ҳоллари кузатилмоқда.

Хўжаобод туманидаги «Иттифоқ» ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссияси М. Якубовга катта ишонч билдирганди. У комиссия котиблигига кўрсатилганди. Адлия Вазирлиги рўйхатидан ўтган, ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисидаги Низомга мувофиқ котиб танловда талабгор сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас. Бироқ, Якубов тендерга суқулиб кириб, 14-лойиҳадаги 26 гектар майдонни қонунсиз эгаллаб олганлиги исботланди. У тегишли жавобгарликка тортилди. Туман ҳокими қарорининг ушбу лойиҳага тегишли қисми прокурор протести келтирилиши билан бекор қилинди.

Текширишларда талабгорлардан К. Супургибековга доир техника воситаси, бизнес-режа умуман баҳоланмаганлиги, қўйилган баллар атайлаб пасайтирилганлиги маълум бўлди. Яна бир талабгор С. Аҳмедов 3-лойиҳа танловида муваффақиятсизликка учраган. Лекин негадир Низом талабига зид равишда бошқа бир лойиҳанинг сунъий ғолибига айланган. Бунда ўз-ўзидан унга нисбатан тарафкашлик қилинган. Бу масала ҳам адолатли тарзда ечимини топмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил ноябр ойидаги 215-сонли қарорига кўра истиқболсиз, қарздорлиги юқори бўлган ширкат хўжаликларини тугатиш ва фермер хўжаликларига айлантириш узлуксиз жараён бўлиб, бу иш 2006 йилда ҳам давом эттирилади. Қарорга мувофиқ янги йилнинг январ ойи ҳам тендер танловини ўтказиш бўйича зарбдор ой деб эълон қилинган. Шунга кўра дастурий ҳужжатларни халқ ўртасида тарғибот-ташвиқот қилиш кенг йўлга қўйилган. Вилоят прокуратураси вилоят Адлия Бошқармаси ҳузурида тугатиш комиссияларига амалий ёрдам бериш учун услубий гуруҳ ташкил этган. Унинг аъзолари ўртасида «Ер кодекси», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар ижроси хусусида ўқув курслари ташкил этилган. Бундан ташқари гуруҳ аъзолари мулк шакли ўзгараётган туман ва ширкат хўжаликларига бириктиб қўйилган.

Тендер танловларининг айрим жиҳатларига тўхталсак. Мулк шакли ўзгараётган хўжаликларнинг боғ ва токзорлари, чорва фермаси бинолари, қорамоллари, дала шийпонлари биржаларнинг «ким ошди» савдолари сотувига қўйилган. Таҳлиллар жойларда айрим шахсларнинг тендер жараёнида хўжалик субъектларининг кўчмас ва кўчар мулкларини ноқонуний йўллар билан ўзлаштираётганини кўрсатди. Айтайлик, тарафдорлар ширкатга қарашли дала шийпони, ёки қорамол фермасига қарашли бинони сотиб олди. Бунинг учун аввало биржа савдоси ўтказилиши ҳақида матбуотда эълон берилиши шарт. Иштирокчи тегишли бадални тўлаб, тендерда қатнашиш ҳуқуқини олиши керак. Савдо пайтида мулкка нисбатан белгиланган нархни ким кўтарса ушбу шахс мулкдорга айланиши табиий. Бунинг ўрнига айрим устамонлар амалдаги қонунларни четлаб ўтганлар.

Тендер танловларини адолатли, ҳаққоний, ошкора ташкил қилишда жамоатчиликнинг иштироки ғоятда муҳимдир. Жисмоний ва юридик шахсларга танлов йўли билан ер участкалари ажратилаётганда жамоатчилик кенгашларининг хулосалари инобатга олиниши шарт.

Ер — бебаҳо бойлик, ундан мақсадсиз фойдаланиш, хўжасизликка йўл қўйиш учун ҳеч кимга изн берилмаган.

С.РЎЗМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Ислоҳот одимлари

ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА МАЪНАВИЯТ ХОНАЛАРИ

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгашининг Қўқон шаҳар вакиллигига қарашли 39 та тиббиёт муассасаларида 21 та қўмита ва 15 та цех қўмиталари мавжуд. Уларда ишчи-ходимлар сони 7267 нафар, шундан 6057 нафарини аёллар ташкил этади. Шулардан 11 та корхонада 23 нафар байналмилалчи жангчи, 3557 нафар кам таъминланган ходимлар ишлайди.

Касаба уюшма ташкилотлари ўз фаолиятини ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида олиб боради. Шу боис, Қўқон шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими ва вакиллик ўртасида тузилган жамоа шартномасига мувофиқ тиббиёт муассасаларида маънавият ва маърифат хоналарини ташкил этиш, уларнинг мунтазам равишда фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратиш ишлари бўйича талай ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда тиббиёт муассасаларида маънавият-маърифат бурчаклари тўлиқ фаолият юритаяпти. Вакилликда ушбу осҳа бўйича алоҳида иш режаси тузилган бўлиб, жойларда тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Жумладан, марказий шифохонада Саломатлик маркази, Наркология диспансери, Диний кенгаши ҳамда ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда «Дин ниқоби остида терроризм», мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Фахрийларимизни эъзозлаш, уларнинг ёшларни Ватанга ва халқимизга садоқат руҳида тарбиялашда кўмак бераётган ҳаётий тажрибасини қадрлаш ҳамиша эзгу бурчимиз. Ўтган йил 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунида тиббиёт муассасаларида ишлаб ҳозирда нафақада ўтирган 17 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийларига касаба уюшма маблағидан 460 минг сўмлик моддий ёрдам ажратилди ва байрам арафасида улар ҳолидан хабар олинди. Бундан ташқари, 19 нафар ҳамширани Марказий шифохона маъмурияти ҳамда касаба уюшма вакиллиги фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Кам таъминланган, шароити оғир ходимларга 181 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Саломатлик маркази «Камолот» ЁИХ, касаба уюшма вакиллиги биргаликда талаба ёшлар ўртасида «Ток шоу» ўтказилди. Тадбир ёшларда катта таассурот қолдирди. Марказий шифохона мажлислар залида расмлар танлови ташкил қилинди. Кўрик-танловда 1-ўринни 1-катталар поликлиникаси, 2-ўринни туғруқхона, 3-ўринни кўз касалликлари ва тери-таносил касалликлари шифохонаси эгаллади. Шифокорлар куни муносабати билан «Дилшод» ресторанида Марказий шифохона маъмурияти, шаҳар ҳокимлиги, «Хотин-қизлар» ва касаба уюшма қўмиталари биргаликда ташкил этган тадбир кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Спорт кунимизнинг долзарб мавзуси бўлиб қолди. Катта-кичик спорт ишқибозига айланмоқда. Шаҳар миқёсида раҳбарлар ўртасида ўтказилган «кросс» шулардан биридир. Унда мазкур тиббиёт муассасалари бош шифокорлари ҳам иштирок этишди. Ғолиблар касаба уюшма томонидан тақдирланди. Шунингдек, тиббиёт коллежи «Аёллар спартакиадаси» ҳам бўлиб ўтди. Мусобақада 350 нафар аёл қатнашди. Вилоят кенгашининг қарорларига асосан тиббиёт ходимлари ўртасида шаҳар миқёсида спартакиада ташкил этилди. Унда 500 нафардан ортиқ тиббиёт ходими иштирок этди. Спартакиада иштирокчиларини спорт кийимлари ва анжомлари билан таъминлашда касаба уюшма ҳисобидан 2 миллион 900 минг сўм пул маблағи ажратилди. Умуман ўтган йили жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ишларига касаба уюшма ҳисобидан 4 миллион 482 минг сўм сарфланди.

О.ИСАЕВ

Меҳнат ардоқлаган кишилар

ДАРОМАД ҲИСОБИДАН БЕШТА ТРАКТОР

Бандихон туманидаги «Ғаллакор» фермер хўжалиги 1998 йилда ташкил этилган бўлиб, 91 гектар ер майдонида ғалла, пахта етиштиради. Фермер ҳар йили олдига қўйилган мажбуриятларни уддалаб, олинган даромаддан 5 та трактор сотиб олди. Хўжалик аъзолари учун ўтган йил ҳам омадли бўлди. Улар 31 гектар майдонга ғалла экишиб, режадаги 43 центнер ўрнига 55 центнердан дон олишди. Мавжуд 45 гектар пахта майдонидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Муҳими, биринчи теримдаёқ, йиллик режанинг 108 фоизи миқдорида ҳосил йиғиштириб олинди ва юқори навларга топширилди.

Бу ерда меҳнат қилаётган 45 нафар ишчи-хизматчиларнинг ўтган йилда моддий манфаатдорлиги икки ҳисса оширилди. Яъни уларнинг ҳар бири 1,5 тоннадан буғдой олди. Ҳар ойда 8 килограммдан ўсимлик ёғи бепул берилиши йўлга қўйилди. Уларга уйидаги чорва моллари учун кунжара, шелуха каби озуқабоп маҳсулотлар ҳам берилди.

Фермер Қутбидин Шералиев тумандаги Усмон Носир номли умумтаълим мактабини газлаштириб берди. «Тинчлик» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги йўлларнинг таъмири учун 400 минг сўм мурувват кўрсатди. «Навбаҳор» МФЙ ҳудудидаги қишлоқ врачлик пунктига мебел жиҳозлари олиб берди. Туман марказий шифохонасининг туғруқхона бўлимига ҳам жиҳозлар тақдим этилди.

– Меҳнат қилган инсонлар доимо улуғланган, – дейди фермер хўжалиги бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Рашид Турсунмуродов. –Ишчиларимиз Гулбой Холбоев, Шавкат Қурбонов, Ҳусан Шералиевларнинг яхши ишлаганликлари боис, уларнинг иш ҳақига 20 фоиз қўшимча ҳақ тўлаяпмиз. Механизаторларимиз Номоз Боқиев, Рўзи Ортиқов, Равшан Абдурауфовларга эса ҳар ойда қимматбаҳо эсдалик совғалари бериб борилмоқда.

Қутбиддин Шералиев Мустақилликнинг 14 йиллиги байрами муносабати билан Ватанимизнинг юксак мукофоти «Шуҳрат» медали билан мукофотланди.

Р.ДАВЛАТОВ

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

САНСАЛОРЛИК

касаба уюшма аралашувидан сўнг барҳам топди

Биз қаламга олган ноҳақлик Поп туманидаги «Чодак рудани бойитиш корхонаси»да юз берди. Аслида Чодак қишлоғи ҳам, ушбу саноат шохобчаси ҳам табиат ардоқлаган масканда жойлашган. Қаёққа қараманг, тоғлар! Жазирама ёз фаслида ҳам тоғ чўққиларида кумушдек жилоланаётган қор кўрпаси кўзингизни олади.

Ҳикматилло Тошматов кунчиқар томондан жўшқин Сирдарё ва қадимий тоғларга туташ Тожикистон, ўнг ёқдан чорвадорлар маскани ҳисобланган Қирғизистон республикаларига уланиб кетган заминда туғилиб ўсди. Ўрта мактабни битиргач, катта шаҳарга бориб ўқишни давом эттиришга оилавий шароити кўтармади. Армия хизматидан сўнг қисқа муддатли ҳайдовчилик курсида таҳсил олди. Шу тариқа 30 йил автомобил бошқарди. Умр йўли гуллар тўшалган поёндоз эмас, деганларидек, гоҳо кеча-кундузги тинимсиз меҳнат, барибир ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмас экан. Бора-бора саломатлиги панд бера бошлади. Ишни бас қилиб кўя қолишга бола-чақа, рўзғор, деганларидек шароит кўтармайди.

У ишлаётган ташкилот қошидаги автокорхона жамоаси аъзоларини тиббий кўрикдан ўтказаётган комиссия унинг соғлигини кўздан кечираётиб ишга яроқсиз, деб топди ва иккинчи гуруҳ ногиронлигига чиқариш юзасидан хулоса берди. Тегишли юқори тиббиёт идоралари буни тасдиқлади.

Халқимизда касалликнинг келиши осон, кетиши қийин, деган гап юради. Ҳикматилло бу гап тўғрилигига ўз бошига тушган кўргилик орқали юз бор ишонч ҳосил қилди.

– Доимо кўчада, машина рулида, яхши-ёмонни, ҳар куни гўзал табиату турли шаҳар, қишлоқни кўриб юрган одамга деразага тикилиб, «тиқ» этган товушга қулоқ тутиб ётиш осон эмас экан, – дейди Ҳ.Тошматов. – Лекин ҳаётдан умидим устун келдими, бола-чақамнинг бахтигами, икки йиллик муолажа олишларим самарасими, ниҳоят тобора соғлигим тикланаётганлигини сездим ва яна тиббий комиссияга бордим. Улар соғлигимда ижобий ўзгаришлар юз берганлигини қайд этишди ва мени учинчи гуруҳ ногиронлигига ўтказишди. Менда тағин ўзим узоқ йил меҳнат қилган жамоага, ёр-дўст, қадрдонларим даврасига қайтиш имкони туғилганлигидан хурсанд бўлиб бошим осмонга етди ва кўп ўтмасдан (маълумки, учинчи гуруҳ ногиронига меҳнат қилишга рухсат этилади) автокорхонага учрадим. Аммо раҳбарлар, биринчи навбатда бошлиқ Н.Омонов штат йўқ каби турли баҳоналарни рўкач қилишдан нарига ўтмади. Ҳолбуки, мен қатнаб юрган олти ой давомида 25-30 кишини ишга қабул қилди.

Қаҳрамонимиз ишга тиклашни сўраб автокорхонага қатнашдан эринмади. Орада учинчи гуруҳ ногиронлик муддати ҳам тугаб бўлди. Унга олдинги ишини давом эттиришга рухсат этишиб, тегишли тиббиёт идорасидан йўлланма беришди. Аммо автокорхона раҳбарлари бу ҳужжатларга қараб ҳам қўйишмади.

– Менга энг алам қилган жойи шу бўлдики, тамоман соғайганлигим юзасидан ҳужжатни тақдим этганимда «жой йўқ» дея мени ишга олмаган директоримиз жиянини осонгина ишга қабул қилди, – дея суҳбатни давом эттирди Ҳ.Тошматов.

Ўзига нисбатан қилинаётган ноҳақлик ва адолатсизликлар турган гапки, Ҳикматиллога таъсир этмасдан қолмади. Турли идораларга ва тегишли ташкилотларга мурожаат этишга мажбур бўлди. Унинг адолат излаб қилган ҳаракатларини нотўғри тушунганлар ҳам бўлди. Ахир, ҳамма яшаш учун интилади-ку? Яшаш учун эса маблағ керак. Қолаверса, унинг бола-чақаси бор. Рўзғорини нима ва қайси манба ҳисобига тебратади? Яхшики, бахтига касаба уюшма ташкилоти бор экан. Мушкулини енгиллатишда, муаммоларини ҳал этишда ушбу жамоа ташкилоти асқотди.

– Ҳ.Тошматов 2003 йилдан бошлаб иш билан таъминлаш тўғрисида Олмалиқ тоғ-кон-металлургия комбинати ва Чодак корхонаси маъмуриятларига ҳамда бошқа қатор идораларга ёзма мурожаат қилган, – дейди шу мавзудаги мулоқотимизда Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг Наманган вилояти кенгаши раиси Абдураҳмон Маҳмудов. – Унинг аризаларига Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан юқоридаги корхона тўла тугатилганлиги ва Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати тизимидаги ташкилотларга янгидан ишга кириши учун эса рўйхатга туриб, навбат кутиши лозимлиги тушунтирилиб. талаблари қаноатлантирилмасдан келган. Ўрганишлар кўрсатдики, Чодак корхонаси бутунлай тугатилган эмас, балки Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати таркибига қўшилган холос. Бундай ҳолатда Чодак корхонасининг аввалги мажбуриятари Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати зиммасига юкланган ҳисобланади. Шу муносабат билан вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати маъмуриятига Ҳ.Тошматовни зудлик билан олдинги ишига ёки шунга тенг иш билан таъминлаш тўғрисида талаб қўйилди. Натижада у Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг Чодакдаги 6-автокорхонасига автомобилларни таъмирлаш бўйича 4-разрядли чилангар вазифасига жойлашди.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак

ЖАЖЖИ ҚАЛБЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Халқимизга хос меҳр-оқибатлилик, саховатпешалик бошқа ҳеч бир миллатда учрамайди. Бева-бечоралар, етим-есир ва касалманд кишилар ҳамиша элнинг ҳимоясида бўлиб келган.

Юртимизда азалий ўлмас қадриятларни янада жонлантириш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Энг оммавий жамоат ташкилоти ҳисобланмиш касаба уюшмалари меҳр-мурувват тадбирларини уюштиришга муносиб улуш қўшиб келмоқда. Янги йил байрами арафасида касаба уюшмалари пойтахт ҳокимлиги билан ҳамкорликда яна бир савобли юмушга қўл урди. Ушбу ташкилот вакиллари қатор шифо масканларида даволанаётган болалар, маҳаллалардаги кам таъминланган оила фарзандлари ҳузурида бўлишиб, уларга совға-салом топширишди. Хусусан, Ўзбекистон фалаж-ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш жамғармаси, Ногирон болаларни реаблитация қилиш интеграция клуби, Онкология марказлари, Пулмонология ва фтизиатрия илмий текшириш институти, Болалар руҳий-асаб касалликлари шифохонаси, Болалар ортопедия маркази каби тиббиёт муассасаларида Қорбобо ва Қорқиз иштирокида арча байрамлари ташкил этилиб, байрам совғалари топширилди. «Кўҳна Чўпонота» маҳалласида истиқомат қилувчи 33 нафар воягa етмаган бола, 170 та кўмакка муҳтож оила ҳамда «Хуросон» маҳалласидаги 380 нафар кам таъминланган оила фарзандлари ҳам ана шундай меҳр-мурувватдан баҳраманд бўлишди.

– Янги йилни республика болалар ортопедия марказида кутиб олишимга тўғри келди. Бу ерда ташкил этилган тадбир ва совғалардан жуда хурсанд бўлдим. Бизга кўрсатилган меҳрибончиликлар учун яхшиларга чуқур миннатдорчилик билдираман, – дейди бухоролик 11 ёшли Назокат Жўраева.



Касаба уюшма мурувватидан байналмилалчи жангчилар ва уларнинг фарзандлари ҳам бебаҳра қолишмади. Вакиллар Ўзбекистон жангчи фахрийлари бирлашмаси ва Тошкент шаҳар Афғон уруши ногиронлари жамғармасига ташриф буюришиб, улардан бир гуруҳини янги йил билан қутлашди. Байрам совғалари ва уларнинг фарзандларига муҳташам санъат саройларида бўлиб ўтаётган томошалар учун бепул чипталар тарқатилди.

Ш.ТЎЛҚИНОВ

МУДДАТЛИ ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРСА БЎЛАДИМИ?

Саволингизга ҳуқуқшунос А.Аҳмедов жавоб беради

САВОЛ: Ходимлар билан тузилган аввалги меҳнат шартномаларини иш берувчи талаби билан муддатли шартномага ўзгартириш мумкинми?

Муддатли меҳнат шартномаларини қўллаш хусусида батафсил маълумот беришингизни сўраймиз.

К.САМАНДАРОВ,
Косон тумани

ЖАВОБ: Муддатли меҳнат шартномасини тузиш масалалари Меҳнат Кодексининг 75- ва 76-моддалари билан тартибга солинади. Кодекснинг 75-моддасига мувофиқ номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг розилигисиз муайян муддатга шунингдек, муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб қайта тузилиши мумкин эмас.

Меҳнат шартномасининг шартлари, шу жумладан, унинг муддатини, ўзгартиришга тарафлардан бирининг талаби билан МКнинг 89- ва 90-моддаларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади:

– иш берувчи меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида ходимни камида икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб тилхат олиши шарт. Кўрсатилган муддатни қисқартиришга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади (89-модда);

– Ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш ҳақидаги талаби (аризаси) берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай иш берувчи томонидан кўриб чиқилиши лозим (90-модда). Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, муддатли меҳнат шартномаси тузилганлиги ходимнинг меҳнат ҳуқуқларини (таътиллардан фойдаланиш, мукофотлар, рағбатлантириш ва шунга ўхшаш бошқа ҳуқуқлар) бирон-бир тарзда чекланмайди.

МКнинг 76-моддасида иш берувчининг муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқи чеклаб қўйилган бўлиб, қонун талабига кўра, муддатли меҳнат шартномалари бажарилажак ишнинг хусусиятлари, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузишнинг мумкин бўлмаган, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳолларда тузилади.

Бажарилажак ишнинг хусусиятлари ёки уни бажариш шартлари туфайли муддатли меҳнат шартномаси тузиш ва мавсумий ишларни бажариш билан боғлиқ ишларни бажариш учун йўл қўйилади. Бундай ишлар сирасига қишки мавсумда ўт ёқувчи ёки иситиш қозонхонаси операторини, қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш учун қурувчиларни, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ мавсумий ишларни бажариш каби юмушлар мисол бўла олади;

2.Бажарилажак ишни бажариш шартлари ҳисобга олинган ҳолда муддатли меҳнат шартномаси тузишга масалан, бола туғиш ва уни парваришлаш муносабати билан таътилда бўлган аёлнинг ишга чиқиш вақтигача, бошқа ходим (шахс) билан муддатли меҳнат шартномасини тузишни мисол қилиб келтириш мумкин;

3.Меҳнат Кодексининг 76-моддаси талабига кўра ходимнинг ўзи манфаатдор бўлган ҳар қандай ҳолларда муддатли меҳнат шартномасини тузишга йўл қўйилади. Фақатгина муддатли меҳнат шартномасини тузишдан ходимнинг бевосита манфаатдорлиги ишончли ва яққол кўриниб туриши лозим. Афсуски, амалиётда баъзан иш берувчилар томонидан ходимларга тазъйиқ ўтказилиб, ходимлар билан «ихтиёрий-мажбурий» равишда муддатли меҳнат шартномасини тузиш ҳолатлари учраб турибдики, кейинчалик низолар юзага келмаслиги учун муддатли меҳнат шартномаси тузилишидан манфаатдор бўлган ходим (масалан, ўқув юртида ўқитилаётган талаба ёки фарзанди мактабгача тарбия муассасасида бўлган она) тегишли ариза ёзиб, иш берувчига шундай илтимос билан мурожаат қилишга сабаб бўлган омилларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир;

4.Номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини турли мумкин бўлмаган, шунингдек, қонунда назарда тутилган ҳолларда муддатли меҳнат шартномасини тузишга йўл қўйилишига мисол тариқасида МКнинг 76-моддасига асосан, корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим билан тузиш мумкинлигини келтирмоқчимиз. Алоҳида таъкидлаш жоизки, корхонанинг бошқа маъмурий бошқарув ходимлари ва таркибий бўлимларини бошлиқлари билан ҳам МКнинг 76-моддаси асосида муддатли меҳнат шартномасини тузишга йўл қўйилмайди.

Ёки бошқа бир мисол, Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни 6- ва 22-моддаларига асосан меҳнат органларида рўйхатга олинган ва ишсиз деб эътироф этилган фуқаролар билан ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун кейинчалик икки ойгача муддатга узайтириш ҳуқуқи билан муддатли меҳнат шартномалари тузилади. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган фуқароларга тўланадиган иш ҳақининг камида эллик фоизи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан, қолгани эса маҳаллий бюджетлар ва аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

Шунингдек, юқоридаги саволингизда кўрсатиб ўтилган ҳолат бўйича қонунчиликда белгиланган ҳолларда муддатли меҳнат шартномаси тузиш Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида белгиланганидек, давлатнинг акциядорлик жамиятларидаги ишончли вакиллари билан, шунингдек, акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг раҳбари билан бир йилдан кўп бўлмаган муддатга меҳнат шартномасини тузиш шарт эканлигини кўрсатиш мумкин. Хулоса қилиб айтиш мумкинки мазкур ҳолатлар қатъий ҳолда ҳисобланиб, уларни кенг маънода талқин этишга ва қўллашга йўл қўйилмайди. Чунки МКнинг 76-моддаси талабларини ҳисобга олмасдан муддатли меҳнат шартномасини тузиш ходимнинг аҳволини қонунчилик ҳужжатларидагига нисбатан ёмонлаштиради.

Биздан сўраган эдингиз

ПЕНСИЯГА ЧИҚИШДА ҚЎШИМЧА ПУЛЛАР ҲИСОБГА ОЛИНАДИМИ?

Саволларингизга ҳуқуқшунос Замира Эсонова жавоб беради

1.САВОЛ: Баъзи ташкилотларда ойлик маошига қўшимча тарзда овқат пули, йўлкира ёки ҳар ҳил мукофот пуллари берилади. Пенсияга чиқишда шу қўшимча пуллар ҳам ҳисобга олинадими?

Р.ЖАЛОЛОВ,
Учқудуқ тумани

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 249-сон қарорига асосан Суғурта бадаллари қўшилмайдиган ва пенсияни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайдиган иш ҳақи ва бошқа тўлов турлари рўйхати белгилаб қўйилган.

Булар:

1. Фойдаланилмаган таътил учун компенсация.
2. Ишдан бўшаётганда тўланадиган ёрдам пули.
3. Моддий ёрдам сифатида бериладиган ҳар хил пул нафақалари турлари.
4. Компенсация тўловлари (хизмат сафарлари бўйича суткаликлар ва суткаликлар ўрнига берилган тўловлар, меҳнаткашларга майиб бўлиш ёҳуд уларнинг иши билан боғлиқ ҳолда саломатликка етказилган бошқа шикастланишнинг ўрнини қоплаш учун бериладиган тўловлар).
5. Ходимларнинг айрим тоифаларига текин берилган квартира, коммунал хизмат, ёқилғи, йўл ҳақи қиймати ёки уларнинг ўрнини қоплаш қиймати.
6. Берилган махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситалари, совун, ёғдан тозаловчи воситалар, сут ва даволаш олдини олиш учун овқатлантириш қиймати.
7. Бепул овқат қиймати.
8. Тушлик овқатга бериладиган пул, санаторий-курортларга, дам олиш уйларига бериладиган йўлланмалар қиймати, стационар ва амбулаторияда даволаниш учун тўланадиган ҳақ.
9. Бошқа жойга ишга ўтказилганда ёки ишга ўтганда кўчиб ўтиш, мол-мулкни ташиш ва турар-жойни ижарага олиш бўйича харажатларнинг ўрнини қоплаш.
10. Доимий иш йўлда ўтадиган ёки кўчиб юриш тусига эга бўлган ҳолларда ёҳуд хизмат сафарлари муносабати билан суткалик пул ўрнига иш ҳақига қўшимчалар ва устамалар.
11. Меҳнат учун тақдирланмасдан ишлаган кунлар (шанбаликлар, якшанбаликлар ва бошқалар) учун ҳамда тегишли бюджетга ва хайрия жамғармаларига ўтказиладиган иш ҳақи.
12. Юбилей саналари, туғилган кунлар, узоқ йиллик ва нуқсонсиз меҳнат фаолияти, фаол ижтимоий иши ҳамда бошқа шунга ўхшаш ҳоллар муносабати билан иш ҳақи фонди ҳисобидан бериладиган рағбатлантирувчи тўловлар (мукофотлар ҳам шу жумлага киради).
13. Мусобақалар, кўриклар, танловлар ва бошқаларда мукофотли ўринларни эгаллаганлик учун бериладиган пул мукофотлари.
14. Ишлаб чиқаришдан бўшаган ҳолда ўқишга юборилган ўқувчиларга корхона ва ташкилотлар томонидан тўланадиган стипендиялар.
15. Олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлагандан кейин таътил вақтида ёш мутахассисларга корхона, муассаса ва ташкилот томонидан тўланадиган нафақалар.
16. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар, ишсизлик нафақалари, ижтимоий нафақалар ва пенсиялар.

Бундан ташқари пенсия ва нафақаларни ҳисоблаб чиқишда мукофотларнинг муайян корхона, муассаса ва ташкилотда меҳнатга ҳақ тўлашнинг амалдаги тизимида, уларни тўлаш даврийлигидан қатъий назар, назарда тутилган турлари ҳисобга олинади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган мукофотлар тегишли норматив ҳужжатлар, шунингдек, жамоа шартнома доирасида корхоналар томонидан мукофотлаш тўғрисида қабул қилинадиган қоидалар асосида белгиланган ва тўланадиган меҳнат натижалари учун бериладиган мукофотлар киради.

Пенсия учун мурожаат қилган шахснинг хоҳишига кўра унинг касаллик, давлат ёхуд жамоат вазифаларини бажариш натижасида ва бошқа ҳолларда ҳақиқатдан ишламаган ёки ишлаган нотўлиқ иш кунлари ҳамда ходимга ўртача иш ҳақи (иш ҳақининг бир қисми) сақланиб қолган ойлар ҳисобга олишдан чиқариб ташланмайди ва ушбу ойлар учун тегишли равишда касаллик варақаси бўйича нафақаси ёхуд ходим учун сақлаб қолинган ўртача иш ҳақи (иш ҳақининг бир қисми) ҳисобга олинади.

2.САВОЛ: Штатсиз ишлаган ходимларнинг пенсияга чиқиш тартиби қандай?

ЖАВОБ: – Агар ижтимоий суғурта бадаллари тўланган бўлса, бундай шахсларга пенсия тўланиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 42-моддасига асосан, меҳнат дафтарчаси ёки унда тегишли ёзувлар бўлмаган тақдирда иш стажини тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 249-сонли қарорига мувофиқ иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган, иш ҳақининг миқдори Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадаллари суммасидан келиб чиққан ҳолда аниқланадиган ходимлар тоифаси кўрсатилган бўлиб, уларга:

1)юридик шахс бўлмасдан туриб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат олганлар;

2)деҳқон хўжаликлари аъзолари;

3)меҳнат шартномалари бўйича хусусий шахсларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи шахслар.

Вазирлар Маҳкамасининг 249-сонли қарорининг 12-иловасига асосан иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган ходимларнинг меҳнат стажи Пенсия жамғармаси органлари томонидан бериладиган маълумотномалар асосида аниқланади.

Меҳнат стажини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаса иш даври гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида тасдиқланади ва бунда махсус шартномалар, пул олганлик ҳақида ҳисоб-китоб дафтарлари қабул қилинади.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

Жаҳон нефть бозорида нарх-наво яна кўтарила бошлади. Нью-Йорк хомашё бозоридаги сўнгги савдолар чоғида бир баррел «қора олтин» 61,42 долларга баҳоланди. Бу аввалги кўрсаткичдан салкам 0,5 доллар қиммат дегани.

Лондондаги халқаро нефть айрибошлаш бозорида эса бир баррел нефть 59,42 долларга сотилган. Шу тариқа Европада ҳам нарх 44 сентга кўтарилди. Соҳа мутахассисларининг фикрича, Ғарб давлатларида нефтга бўлган талабнинг ошиб бориши билан бир қаторда уни етказиб бериш борасида юзга келаётган муаммолар ҳам «қора олтин»ни қимматлаштириб юбормоқда.

* * *

Ирокда юк машинасининг автобус билан тўқнашиб кетиши натижасида тўрт нафар америкалик ҳалок бўлди. Ўн саккиз киши турли даражада жароҳатланди. Қурбонларнинг шартнома асосида ишлаётган АҚШ фуқаролари экани аниқланган.

* * *

Германиянинг Бад Рейхенхали шаҳридаги муз саройининг томи ўпирилиб тушди. Натижада беш киши қурбон бўлди, ўттиздан ортиғи жароҳатланди. Уларнинг аксарияти оғир аҳволда. Айни пайтда қутқарув ишлари жадаллаштирилган.

Воқеа содир бўлган вақтда бинода олтмишга яқин одам бўлган. Гувоҳлар бино тагида қолиб кетганларнинг аксарияти болалар эканини айтмоқда. Маълумотларга кўра, бино томининг эскиргани фалокатга сабаб бўлган. Ушбу муз саройи ўтган асрнинг етмишинчи йилларида қурилган экан.

* * *

Индонезиянинг Ява оролида табиий офат юз берди. Икки кун давом этган тинимсиз ёмғир Панти туманида кучли тошқинни келтириб чиқарди. Бинолар сув остида қолиб кетди. Мингдан ортиқ одам ташқи дунёдан узилиб қолган. Табиий офатнинг мазкур ҳудудга катта миқдорда иқтисодий зарар етказгани ҳам айтилмоқда. Айниқса, оролнинг асосий даромад манбаи бўлган қаҳва ва шоли етиштириладиган майдонлари анча талофат кўрган.

(ЎзА)

Қонун барчага баробар

Ҳуқуқий жамиятни барпо қилишнинг асосларидан бири барча жабҳаларда фуқароларнинг қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришдир. Ҳар қандай жамиятда улар энг аввало истеъмолчилардир. Бошқача айтганда, кундалик турмушда бизнинг ҳуқуқларимиз қай даражада кафолатланганлигига қараб, қонун талаби бажарилишига баҳо берамиз. Бу борада Президентимиз, ҳукуматимиз қатъият билан иш олиб бораяпти. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 ноябрдаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори шу нуқтаи назардан жуда катта аҳамиятга эга.

ИСТЕЪМОЛЧИГА ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ва рўёбга чиқаришда тарғибот, тушунтириш ишлари муҳим ўрин тутади. Шунинг учун республика ва вилоят оммавий ахборот воситаларида кўплаб чиқишлар қилинмоқда. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти Самарқанд вилоят бирлашмасининг «Истеъмолчи» газетаси ҳам нашр этилаяпти. Бундан ташқари маҳаллаларда, корхоналарда, ўқув юртларида истеъмолчилар ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга оид долзарб масалала хусусида суҳбатлар, ўқув-семинарлар мунтазам ўтказилаяпти.

Вилоят бўйича истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятининг бўлимларига ўтган йил давомида 600 дан зиёд ариза келиб тушди. Бу мурожаатлардаги ҳаққоний талабларнинг барчаси ижобий ҳал этилди. Масалан, фуқаро Э.Мўминов Самарқанд шаҳри М.Улуғбек кўчаси 23-уйдаги фирма дўконидан «Самсунг» русумли телефон сотиб олган. Лекин 2 кун ўтмай, у ишламай қолган. Бизнинг ходимларимиз аралашуви билан фуқаронинг 85 минг сўм пули қайтарилди. Шундай саъй-ҳаракатлар натижасида Пастдарғом тумани Қорабўйин қишлоғидаги электр тақсимлагич трансформатор алмаштирилишига Самарқанд шаҳар Хўжаҳақназар маҳалласида ичимлик суви таъминоти яхшиланишига, Фаробий кўчасидаги 55 «А» уйнинг ертўласидаги қувурлар янгиланишига эришилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳими, фуқароларда ўзларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига ишонч ҳосил бўлаяпти.

Шу билан бирга жамиятнинг вилоят бирлашмаси ходимлари томонидан турли соҳаларда мониторинг ўтказилди. Натижада телефон хизмати, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларидаги жиддий нуқсонлар мавжудлиги аниқланди. Жумладан, Самарқанд туманидаги Оҳалиқ, Гулбоғ, Чакка фуқаролар йиғинлари ҳудудларидаги бир қанча қишлоқларда яшовчи аҳолига тўлаттириш учун ҳисобланган, лекин аслида етказиб берилмаган газ ҳақи асоссиз эканлиги исбот қилиниб, тўлов суммаси ҳисобидан чиқарилди.

«Кучли давлатдан – кучли жамиятга» ўтишда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, ўзларининг қонуний ҳуқуқларини ўринли талаб қилиши муҳим аҳамиятга эга. Сифатсиз маҳсулот ёки хизматни рад этиш, янгисига алмаштиришни талаб қилиш охир-оқибатда ривожланишга олиб келади. Иқтисодий равнақ, ижтимоий фаровонлик ана шундан бошланади.

Р.ХОЛБЕКОВ,
истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти Самарқанд вилоят бирлашмаси раиси

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: Ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда унинг ёзма равишдаги аризасисиз бўшатиш мумкинми?

А.АТАЖАНОВ,
Нукус шаҳри

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси МКнинг 99-моддасига мувофиқ ходим номуайян (муддатсиз) муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Меҳнат Кодексининг 99-моддасида ходимларга айрим кафолатлар берилган. Масалан, ходим икки ҳафталик огоҳлантириш муддати давомида ўз аризасини қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Ёки ходим ўқув юртига қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланганлиги, бошқа шаҳар ё вилоятга кўчиб кетаётганлиги сабабли ҳисобдан учирилган бўлса ва бошқа ҳолатлар бўйича ишни давом эттиролмаслиги билан боғлиқ бўлса, ходим илтимос қилган кундан меҳнат шартномаси бекор қилиниши керак.

Меҳнат шартномаси бекор қилинишида ўртада низо пайдо бўлса, ходим судга мурожаат қилишга ҳуқуқли ва ходим ўз вазифасига албатта тикланади.

Агар ариза ёзма равишда бўлмаса, кўрсатиб ўтилган масалаларни ҳал қилиб бўлмайди. Шундай экан, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ариза албатта ёзма равишда бўлиши шарт.

«Учинчи минг йилликнинг боласи» дастури — амалда

БОҒЧАДА «МЕҲРЖОН» БАЙРАМИ

Кичкинтойларни ватанпарварлик рухида тарбиялаш, уларнинг қалбига болаликданоқ ватан туйғусини сингдириб, юртимизнинг гўзал табиати, дарё-ю боғ-роғлари, олиҳиммат одамлари ҳақида тушунчалар бериш мактабгача таълим муассасаларида меҳнат қилаётган педагогларнинг асосий вазифаларидан биридир.

Барча шарт-шароитлар муҳайё этилган боғчалар талайгина. Наманган шаҳридаги «Сўлим» номли 65-мактабгача таълим муассасаси ўз номига яраша: беихтиёр ҳавас уйғотади. 110 нафар кичкинтой учун ёзги оромгоҳ дан тортиб, мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун сўлимгоҳлар ташкил этилган. Мавжуд 6 та гуруҳда моҳир тарбиячилар Мастура Турсунова, Каромат Насриддинова, Ҳолида Умрзоқовалар каби фидойи инсонлар ўз вазифаларини сидқидилдан адо этмоқдалар.

– Бизнингча ўғил-қизларимиз боғча ёшиданоқ миллий ғурур ва маданий меросимиздан хабардор бўлишлари лозим, – дейди мактабгача таълим муассасаси мудираси Раҳбархон Акбарова. – «Учинчи минг йиллик боласи» дастури доирасида турли хил йўналишларда тарбияланаётган жажжилар, шак-шубҳасиз, эртага мактаб бўсағасида кучайтирилган билим кўникмаларини намойиш эта олишади. Дастур доирасида «Жажжи раққосалар», «Моҳир қўллар» ҳамда «Биз келажак фарзандлари» тўгараклари орқали болакайлар касб кўникмаларига эга бўлмоқдалар. Мусиқа раҳбари Муяссар Соқиматованинг таъкидлашича, боғчада ўзбек миллий чолғу асбоблари, пианино ва бошқа қардош халқлар мусиқаларидан сабоқ бериш ҳам йўлга қўйилган.

Ҳ.ҚОДИРОВ,
«Ишонч» мухбири



САҲОВАТЛИ ИНСОН

Саксон ёшни қаршилаган сариосиёлик фермер Носирхон бобо Тўрақуловнинг ҳаёт йўлини улкан чиноргa қиёслаш мумкин.

Бобо Сурхондарёнинг қалдирғоч фермерларидан. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб тоғли Газарак қишлоғининг тепа қисмида қаровсиз ётган лалми адирлардан гектарлаб боғ яратиб, эл ҳурматига сазовор бўлди. Қолаверса, лалми ерларда ҳам боғдорчиликни ривожлантириш мумкинлигини амалда исботлади. Унинг боғларида бугун хилма-хил мева -чева етиштирилмоқда.

У бошқараётган «Боғу бўстон» фермер хўжалиги ўз ҳисобидан қишлоққа мактаб қуриб берди. Кўприкларни тузатди, қишлоқда янги йўллар барпо этди. Кам таъминланган оилаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатмоқда. Қисқаси, савобли ишларининг адоғи йўқ. Эл-юрт кекса фермердан миннатдор.

Кўпнинг дуоси кўл, дейдилар. Носирхон бобо ҳақидаги «Ибратли ҳаёт» китоби саҳоватпеша инсон учун ўзига хос Янги йил совғаси бўлди.

Т.ЖАЛИЛОВ,
«Ишонч» мухбири

Шу куннинг гапи

Инсон боласи дунё эврилишлари ва не-не тараккиётлар силсиласида эзгу хислатларга талпиниб яшайди. Бундай талпиниш барча миллатларга хос. Албатта, бу ҳар кайси халкнинг ўзига яраша хусусиятларидан келиб чикилган ҳолда белгиланади. Шу маънода, биз ўзбекларда меҳр-оқибат, саховат ва бағрикенглик фазилатларига хийла чукурроқ ёндошилади. Булар кеча ё бугун юзага чиккани йўқ. Ўзбекчилик шунақа, миллат илдизига дахлдор сифатлар шундай. Бу сифатларнинг амалдаги тимсоли эса бизда одамгарчилик дейилади. Инсоний туйғулар баркарорлиги учун мамлакатимизда олиб борилаётган амалий ҳаракатлар мунтазамлик касб этаётгани ҳам шундан. Бу эса бозор иктисодиёти шароитида одамлар кайфиятидаги рухий-маънавий мўътадилликни сақлаб келаяпти.

ОДАМИЙЛИК

Жумладан, ҳар бир ўтаётган йилнинг ўзига хос тарзда номланиши маълум бир мақсад сари етаклаяпти. Дарҳақиқат, бу йиллар ўзининг инсоний моҳияти, ижтимоий йўналиши билан ўзаро узвий боғлиқ. Ва шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ўтган ҳар йилда ўзига хос турли ижтимоий йўналишлардаги ютуқлар қўлга киритилди, аниқ мақсадларни кўзда тутувчи оламшумул ишлар амалга оширилди. Хусусан «Сиҳат-саломатлик йили»да оналик ва болалик, репродуктив саломатликни ҳимоя қилиш, тиббий маданиятни ошириш, оилани соғломлаштириш борасида жиддий натижалар қўлга киритилди. Жумладан, оналар ва болалар скрининг тизимининг такомиллашуви, никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш, 1 ёшгача бўлган болаларнинг патронажлик ва эмлаш ишларининг миқёси кенгайиши ва бошқа муҳим тадбирлар туфайли чақалоқлар ва оналар ўлими билан боғлиқ ҳолатлар камайди...

Биз зўр кўтаринкилик билан кутиб олган йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинишида ҳам буюк ҳикмат бор. Хусусан ҳомийликнинг асл маъно-моҳияти хусусида гапирар экан, Юртбошимиз шундай дейди: Ҳомийликни биз инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси, деб биламиз. Яъни ҳомий деганда, ён-атрофдаги бева-бечораларга, етим-есир, муҳтож кишиларга кўмак ва ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга, қадрдон қишлоғи ёки шаҳрини обод қилишга интиладиган, бир сўз билан айтганда, савоб иш қилиб яшайдиган инсонларни ўзимизча тасаввур этамиз.

Дарҳақиқат, бундай савобли ишлар ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун киши маънан юксак даражада бўлиши керак. Бундай одамлар наздида қилган яхшилиги, саховати ўзига арзимас туюлади ва одамларга кўз-кўз қилишни истамайди. Қуръони Каримда зикр этилганидек, «Ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин» қабилида амал қиладилар. Лекин бунинг акси ўлароқ, бировга қилган зиғирдек яхшилигини ҳаммага айтиб овоза қилгиси келадиган, кўпиртириб мақтаниданлар ҳам бор.

– Мен тўғримда бир нарса ёзсангиз, деб қолди танишларимдан бирови.

– Нима деб ёзишим керак?

– Мана, мисол учун Наврўз байрами муносабати билан «фалон» маҳалла қарияларига ош бердим. Расмга олишди, видеоси ҳам бор. Одамлардан сўранг, мен ташкил қилиб берганман.

Юқорида айтганимиздек, сидқидилдан бировга яхшилик қилган одам уни писанда қилмайди, ўйламайди ҳам. Навоий ҳазратлари кўплаб адабиёт ва санъат намояндаларига ҳомийлик қилганлар. Ўша замонда энг кўзга кўринган истеъдодларнинг баъзиларига подшо томонидан улуфалар тайинлатган, баъзиларига эса ўз ҳисобидан маош бериб турган. Меъморий қурилишлар ва бошқа ободончиликларга катта ҳисса қўшган.

Ёки миллий озодлик ҳаракатининг илк етакчиларидан бири бўлмиш – Дукчи Эшоннинг қарамоғида юзлаб хайриҳоҳлари бўлган. У кишининг даргоҳида ҳар куни жуда катта миқдордаги егуликлар тайёрланиб, бева-бечоралар ва етим-есирларга улашилган.

Жуда озчиликни ташкил этса-да, айрим юртдошларимиз бор: Ундайларга меҳр-оқибат, саховатпешалик, бағрикенглик бегона. Дейлик, у раҳбарлик қилаётган жамоа ёки хусусий корхона, ташкилот бир йилда яхшигина даромад қилади. Аммо бирор-бир мутасадди ёки нимагадир муҳтож киши ҳомийлик қилишни сўраб борса, ё «ҳисобимизда пулимиз йўқ, ҳали 3-4 ойдан буён ишчиларга ойлик-маош беролмадим», деб ёлғон гапиради ёки очиқчасига рад этади. «Ҳисобида пули йўқ» бу одамнинг чўнтагида пули бор-йўқлигини тасаввур қилаверинг. Лекин бундайлар бир ҳафта ичида шаҳардаги емакхоналарда минг-минглаб сарфлаб юборади. Бироқ, шундай шароитда айтайлик, мактаб таъмирига ёки ўқув дарсликлар сотиб олинишида мисқолдек ҳисса қўшиш ундайлар учун фойдасиз харажат. Чунки улар одамгарчиликни ўз қаричлари билан ўлчайдилар.

Муқаддас китобимизда яна: «Хайрли, савобли ишларда бир-бирингиздан ўзишга шошилинг» деган пурмаъно битик бор. Мамлакатимиз раҳбари кўзда тутган ҳомийликнинг энг аввалги нуқтаси – шифокорлик аъмоли билан боғлиқлигидадир. Бунинг замирида эса беморга шифокорнинг ҳомийлиги тушунчаси ётади. Янада аниқроғи, саховатли, беғараз ҳомийларнинг қилаётган олижанобликлари кишилар эҳтиёжи учун қанчалик зарур бўлса, шифокорнинг дардни аритишда кўрсатаётган жонбозлиги ҳам бемор учун тўғри маънодаги малҳам ҳисобланади.

И.КАРОМОВ,
«Ишонч» мухбири

УСТОЗЛАР ИЗИДАН

Қўқон автотранспорт касб-ҳунар коллежи соҳада кадрлар тайёрлашни бошлаб берган қалдирғоч таълим масканларидан ҳисобланади.

Ўқув даргоҳининг юксак мақомга эга бўлишида сарбонлик қилган табаррук инсонлар хизмати улуғ. Турли даврларда билим юртини бошқарган Шерхон Муҳаммедов, Мансур Сакаев, Аъзам Яҳёёв, Муҳаммаджон Тошматов, Анвар Охуновларнинг номларини ҳамкасб ва шогирдлар чуқур ҳурмат-эҳтиром билан ёдга олишади.

Аъзам Яҳъёев улар ичида энг кўп вақт етакчилик қилган. У чорак аср давомида залворли вазифани елкасида кўтарди. Қийин қистовли давр эди. Бу эса ишда эҳтиёткорлик билан шижоатни қўшиб олиб боришни талаб қилар эди. А.Яҳъёев ана шундай мураккаб паллада билим даргоҳи кўкрагини кўтариб олишига эришди. Ҳалол меҳнат унга шараф келтирди. Эл олдида катта эътибор қозонди. Ҳозирда устоз саксон ёшдан сакраб, тўқсон ёшга тўқнашиш арафасида. Бир этак невара-чеваралар қуршовида қарилик гаштини сурмоқда.

Домла энг суюкли шогирдларидан деб билган Анвар Охунов устоз ишини муваффақиятли давом эттирди. У олийгоҳни тугаллаб, оддий лаборантликдан раҳбарликкача бўлган пиллапояни босиб ўтди. А.Охунов бу даргоҳни 17 йил мобайнида катта маҳорат билан бошқарди. Унинг қатъиятлилик, талабчанлик салоҳияти, барча юмушни жамоа билан елкама-елка кўтариши натижасида коллеж қатор ютуқларни қўлга киритди. Айниқса, ўқув юрти мустақиллик даврида янгича қиёфа касб этишида А.Охуновнинг муносиб ўрни бор. У умрининг охиригача шу ерда меҳнат қилиб, кишилар хотирасида эзгу ном билан муҳрланиб қолди.

Бундан ташқари, улар билан елкадош бўлган Фотиҳ Зверев, Абдуллажон Абдурашидов, Музаффаржон Қаюмов, Тўлқинжон Аҳмедов, Ҳусанжон Толипов, Аҳаджон Усмонов, Жамолхон Муҳамеджонов сингари ёшларнинг севимли устоз-мураббийлари ёди ҳам унутилмасдир. Бу азиз зотлар коллеж салоҳиятини юксалтириш, халқ хўжалигимиз учун етук кадрлар етказиб бериш ишига ҳаётларини бағишладилар.

Бугунги кунда коллеж ўзининг янги даврини яшамоқда. Еттита йўналиш бўйича мутахассис тайёрланади. Айни дамда 2800 нафар ўқувчи бу ерда касб-ҳунар эгалламоқда. Зеро, эзгу иш ҳеч қачон ўлмайди, деганларидек, устозлар қўйган қадам янги давомчиларни ҳаётга келтирмоқда.

Т.ШЕРНАЕВ,
«Ишонч» мухбири

БЎШ ВАҚТ

мазмунли ва мароқли ўтади

Мамлакатимизда келажагимиз ворислари ҳисобланган ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилаяпти. 2009 йилгача мўлжалланган мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг қабул қилиниши ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, билими ва касбий билим даражасини оширишга хизмат қилади.

Энг замонавий билимларни эгаллаган, эркин ва ижодий фикр юритадиган жисмоний ва баркамол ўғил-қизларгина иқтисодий-ижтимоий тараққиётда муваффақиятни таъминлаши мумкин.

Шу боис, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этишга Қорақалпоғистонда ҳам катта аҳамият берилаяпти. Ёшларда касб-ҳунар малакаларини шакллантириш, уларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, ҳар томонлама етук кишилар қилиб камол топтиришда республика ўқувчилар саройи муҳим ўрин эгаллайди.

– Муассасамиз мактабдан ташқари таълим-тарбия ва касб-ҳунар масканига айланган, – дейди ўқувчилар саройи директори, «Дўстлик» ордени соҳибаси Р.Низамутдинова. – Юртбошимизнинг Қорақалпоғистонда бўлиб, тўғарак тизимини янгилаш бўйича берган маслаҳатлари асосида фаолиятимизни қайта қуриб олдик.

Республика раҳбарияти ва Халқ таълими вазирлигининг доимий эътибор ва ғамхўрлиги туфайли муассасанинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Машғулот ўтадиган хоналардаги кўргазмали қуроллар янгиланди. Замонавий видео-техника воситалари, магнитафон, компьютерлар, халқ чолғу асбоблари сотиб олинди. Маъмурий бино ва машғулотлар зали мукаммал таъмирланди. Ота-оналар қўмитаси, кенг жамоатчилик билан алоқа мустаҳкамланиб, теварак-атроф ободонлаштирилди. Хиёбондаги ям-яшил дов-дарахтлар, анвойи гуллар бинога қадам қўйган ҳар бир кишининг эътиборини ўзига тортади.

Ўқувчилар саройида бадиий, эстетик, техник-иқтисодий йўналишдаги 43 та гуруҳ бўлиб, уларда 1500 нафар ўғил-қиз шуғулланаяпти. А.Ҳуснуллина, К.Исмоилов, Ж.Лепесов, Л.Сейтембетова, В.Легосбоев, Ж.Узоқбоев, Ж.Пурҳонова, Г.Асанова каби таълим жонкуярлари ҳар бир машғулотни юқори савияда ўтказиб, вазифаларига янгича ёндошмоқдалар, болаларни ижодий изланишга даъват этишаяпти.

Ўқувчиларнинг иқтидори, таланти амалий ишларда намоён бўляпти. Гуруҳ қатнашчилари Салтанат Нурқосимова, Темур Пиёзов, Бауржон Ҳамидуллаев болалар эстрадаси бўйича Тошкентда ўтказилган кўрик-танловда фахрли бринчи ўринни қўлга киритиб, «Фахрий ёрлиқ» ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Ёш талантлар «Зарб» доирачилар танловида иккинчи ўринни эгалашди. «Оқ тўлқин» бадиий ҳаваскорлик ансамбли қўшиқчиси Ж.Айтжонова ижро этган замонавий ашула ва лапарлар томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

«Изо» деб номланган гуруҳ иштирокчилари «Ўзбекистон –болалар нигоҳида» «Ёш устоз» танловида нукуслик Д.Ибрагимова миллий буюмлар тикиш, тўрткўллик Г.Камолова гилам тўқиш бўйича фахрли ўрин эгаси бўлишди.

Ўқувчилар саройида «Олтин куз», «Сардор», «Султон йигит», «Гулчеҳралар», «Болалар эстрадаси» каби кўрик-танловлар уюштирилиб, қорақалпоқ телевидениеси орқали кўрсатилди.

А.Пахритдинова раҳбарлик қилаётган «Маънавият ва маърифат» хонасида соғлиқни сақлаш, прокуратура, ички ишлар, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ходимлари билан учрашувлар ўтказиш одат тусига кирган. «Конституция – Асосий қонунимиз», «Ватан саждагоҳ каби муқаддас», «Огоҳлик – давр талаби», «Гиёҳвандлик – аср вабоси» каби мавзулардаги суҳбатлар ёшлар тарбиясида ижобий рол ўйнамоқда.

Мактабдан ташқари муассасалар фаолиятини яхшилашга жиддий аҳамият берилаяпти. Тахиатош шаҳри, Кегейли, Шуманай, Қонликўл, Беруний туманларидаги болалар ва ўқувчилар ижодиёти марказлари ҳақиқий маърифат ва маънавият масканига айланган. Ўқувчилар бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказиб, бадиий ижодкорлик, халқ амалий санъати ва касб-ҳунар эгаллаш билан шуғулланишаяпти.

И.ТИЛЛАЕВ

Иқтидор

ИККИ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

2005 йилнинг сўнгги кунларида «Қорақалпоқфильм» студияси ижодий жамоаси иккита янги фильм тақдимотини ўтказди.

Муаллиф ва режиссёр Тўраниёз Қалимбетов ҳамда оператор Ренат Галиев яратган «Қопқончи» қисқа метражли фильми чўпонларнинг ҳаёт тарзи, турмуш муаммолари ва орзу-ўйлари ҳақида ҳикоя қилади.

Муаллиф ва режиссёр Замир Абдумуратов тасвирчи Ренат Галиев билан ҳамкорликда яратган иккинчи фильм «Келинчак» деб аталади. Унда қорақалпоқ халқининг миллий анъаналари, расм-русумлари, урф-одатлари, тўй-томошалари билан боғлиқ қизиқарли воқеалар тасвирланган.

КЕЙИНГИ БОСҚИЧГА ЙЎЛ

Амударё туманида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган анъанавий «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг миллий ва бөлбоғ кураши бўйича минтақавий босқич беллашувлари бўлиб ўтди.

Унда Тўрткўл, Элликқалъа ва Амударё туманларининг ёш полвонлари ўзаро куч синашди. Миллий курашда Амударё тумани спортчилари умумжамоа ҳисобида ғолибликни қўлга киритди. Бөлбоғ курашида Тўрткўл тумани мактаб ўқувчиларининг омади келди.

Ғолиб спортчилар мусобақанинг кейинги - Қорақалпоғистон Республикаси босқичига йўлланма олди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши, Сирдарё вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари Бирлашмаси, тармоқ касаба уюшмалари Кенгашлари, вакилликлар Бирлашма ҳисобчиси Роила Зоировага онаси

ҲАЛИМА аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади



Спорт олами да

Шоҳмот

РАСМАН БИРИНЧИ АМАЛДА ЭСА...

Россиялик собиқ жаҳон чемпиони Гарри Каспаров ФИДЕнинг ўтган йил якунларига доир эълон қилган рейтингида ҳамон биринчи ўринни эгаллаб турибди. Гарчанд, у ўтган 2005 йил мобайнида бирор марта ҳам расман шоҳмот тахтасига ўтирмаган бўлсада, у жамғарган 2812 очко етакчиликни таъминлаб турибди.

Шуни айтсалар керакда «югурганники эмас, буюрганники», деб. 42 ёшли Каспаровни қувиб етиш орзусида бўлган болгариялик Веселин Топалов ўтган йилда жаҳон чемпионатида эришган ажойиб ғалабаси туфайли иккинчи ўринда бораётган ҳиндистонлик Вишванатан Анандни бир поғона пастга тушириб юборган. Ўтган йил 36 ёшли ҳинд гроссмейстери учун омадсиз кечгани аниқ. Бироқ, ўтган йилда омади чопганларнинг энг зўри арманистонлик Ливон Ароян бўлди. У «Жаҳон кубоги – 2005» ни қўлга киритиб, 10 ўриндан 5 ўринга кўтарилди. Ушбу мусобақа финалчиси Руслан Понамарев ҳам 19 ўриндан 5 ўринга юқорилади. 20 ёшли истеъдодли шоҳмотчи озарбайжонлик Шаҳриёр Мамадиёров 28 ўриндан 15 ўринга кўтарилди.

2005 йилнинг энг кучли ўнлигидан россиялик Пётр Свидлер (4 ўрин), Владимир Крамник (6 ўрин), ҳамда украиналик Василий Иванчуклар жой олган.

Аёллар шоҳмот таснифида кучли учликни Юдит Полгар (Венгрия), Хамли Конери (Ҳиндистон) ҳамда Пиа Крамлинг (Швеция)лар бошқариб турибди. Янги Европа чемпиони бўлган 16 ёшли украиналик Екатерина Лахно 7 ўринда бораяпти. Собиқ жаҳон чемпионлари россиялик Александра Костенюк ҳамда грузиялик Мая Чебурданидзелар 4-5 ўринларни банд этган.

Теннис

МАВСУМНИНГ ИЛК ТУРНИРИ

Янги йилнинг биринчи душанбасидан бошлаб Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида АТР таснифига кирувчи дастлабки йирик теннис турнири старт олди. Мукофот жамғармаси салкам 1 миллион АҚШ долларидан иборат бўлган бу турнирда россиялик Михаил Южний дастлабки ғалабани қўлга киритди. У оғир кечган ўйинда швециялик Йонас Бьоркманни мағлуб этди.

Доҳада учинчи рақамда кортга тушган англиялик Тим Хенмэн франциялик Ришар Паски устидан ишончли ғалабага эришди. Турнирнинг кутилмаган натижаси сифатида белорус Максим Мирнийнинг ҳали машҳур бўлмаган жанубий африкалик Уэйн Мудига ютқазиб қўйгани эътироф этилди.

Футбол

МИЛЛИОНЛАР ЎЙИНИНИ СЕВАДИГАН МИЛЛИАРДЕР

Англия олий дивизионида ўз ўрнини сақлаб қолиш учун курашаётган «Портсмут» жамоасининг хўжайини ўзгарди. Америкалик Милан Мандарич ўз жамоасини исроиллик миллиардер Аркадий Гайдамакнинг ўғлига сотишини эълон қилди. Бу ҳақда шартнома ҳам имзоланди. Унга кўра клуб 100 миллион фунт стерлингга баҳоланди. Дастлабки маблағ яъни 15 миллион фунт стерлинг клуб ғазнасига ўтказилди, қолган сумма йил охиригача тўланадиган бўлди.

Клубнинг янги эгаси Александр Гайдамак отаси каби унча машҳур бўлмаса-да, футболни жонидан ортиқ кўради. У Франция фуқароси саналсада, 10 йилдан буён Лондонда истиқомат қилади. Унинг отаси машҳур миллиардер Аркадий Гайдамак ҳам ўғли сингари футболни жуда яхши кўради. Шу боис у ўтган йилнинг сентябр ойида Исроилнинг «Бейтар» жамоасини сотиб олганди.

Александр Гайдамак янги жамоасига кучли футболчиларни таклиф этиш ниятида. Бу иш учун 100 миллион фунт стерлинг маблағ сарфлашга аҳд қилган. Бу сумма яна бир футболни севадиган миллиардер Роман Абрамович томонидан «Челси» га сарфлаган маблағдан анча кўп. Демак, келгуси йилдан Англия чемпионатида яна бир «фоварит» жамоа пайдо бўлса, ажабланишга ҳожат йўқ.

МАЙКЛ ОУЭН ЖАРОҲАТ ОЛДИ

«Ньюкасл» жамоаси ҳамда Англия терма жамоаси ҳужумчиси Майкл Оуэн ўнг оёғидан жароҳат олди. Бу «Тоттенхем» жамоасига қарши сафарда кечган ўйинда содир бўлди. Жароҳат туфайли у бир неча ойга сафдан чиқиши мумкин.

—Бу жиддий зарба Майкл учун фалокатли бўлиши мумкин. Клуб учун ҳам қора кун бўлди,- деган жамоа мураббийи Грэм Суннес.

Дарҳақиқат, ушбу ўйинда жамоа дарвозабони Шэй Гивен ҳам қаттиқ жароҳат олган. Етакчи футболчиларнинг жамоа таркибида бўлмаслиги «Ньюкасл» учун жиддий муаммоларни юзага келтиради. Чунки жамоанинг турнир жадвалидаги аҳволи ҳавас қиларли даражада эмас.

ПЕКИН ОЛИМПИАДАСИНИНГ ҚЎШИҒИ

Ҳар қандай йирик спорт тадбирининг ўз қўшиғи бўлади. Айниқса, олимпиада ўйинларида бу ҳолат муҳим рол ўйнайди. Шу боис, «Пекин-2008» ташкилотчилари энг яхши қўшиқ учун халқаро конкурс эълон қилди. Асосий мақсад Пекин олимпиадаси ғояларига тўлиқ жавоб берадиган қўшиқни танлаб олиш. Яъни « Битта оламда - битта орзу» шиорини тўлиқ акс эттиришдир.

Ҳар қандай мамлакат фуқароси ушбу танловда қатнашиши ва ўзи ёқтирган қўшиқни ҳакамлар ҳайъатига тақдим этиши мумкин. Танлов натижасида 10 та энг сара қўшиқ танлаб олинади.

А.ЮНУСОВ тайёрлади

Спорт олами да

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 18646 Буюртма Г— 316

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.